

Ахлоқ дарсига марҳабо!



11:00 / 11.12.2021 1781

Аллоҳ таоло Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи васалламни Қуръони Каримда чиройларини мақтамади. Ҳолбуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ниҳоятда гўзал инсон эдилар. Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насабларини мақтамади. Ҳолбуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмлари ичида буюк насабли эдилар. Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал хулқларини мақтади:

«Ва албатта сен буюк хулқдасан»!

Ислондаги энг муҳим дарс ахлоқ дарсидир. Агар бу дарсни қўлдан чиқарсангиз исломнинг кўп қисмини қўлдан чиқарган бўласиз. Шунинг учун Ибнул Қоййим роҳимаҳуллоҳ:

«Диннинг бари хулқдир. Ким сендан хулқда ўзиб кетса, демак динда ўзиб кетибди», деган.

Ахлоқ ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтганлар:

«Аллоҳ таоло бандалари ичидан хулқи яхшисини яхши кўради».

Яна айтадилар:

«Мен учун энг суюклигингиз ва қиёматда менга энг яқин ўтирадиганингиз хулқи гўзалингиздир»!

Яна марҳамат қиладилар:

«Мезонда гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди».

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ҳақида сўрашганда: «У кишининг хулқлари Қуръон эди», деганлар.

Шайх Абдурраҳмон Сумайт Африкада даъват ишлари билан юрган эди. У кишининг қўлида 29 йил ичида 11 миллион киши исломга кирган.

Шайх Абдурраҳмон Сумайтнинг машинаси шаҳардан узоқроқ жойда бузилиб қолади. Унинг олдидан Италиялик пастор бир нечта ҳамроҳлари билан ўтиб қолади. Шайх улардан ёрдам сўрайди. Улар шайхга масхараомуз қилиб: «Муҳаммадга айт, ёрдам берсин»!, деб ўтиб кетишади.

Шайх машинасини тузатиб йўлда давом этади. Тасодифни қарангки, йўлда ўша пасторнинг машинаси бузилиб қолади. Шайх ёнидаги ёш ҳамроҳлари билан биргаликда унинг машинасини тузатишга ёрдамлашиб юборади. Пастор хижолатдан тернинг остида қолади. Шайх Сумайт унга: «Бу яхшилиқни биз ўзимизча қилмаяпмиз, уни бизга Набийимиз ўргатган», дейди.

Кейинчалик шайх Сумайтга ўша машинадаги барча насронийларнинг мусулмон бўлганлиги хабари етиб келади. Шайх: «Биз уларга Ислом ҳақида ҳеч нарса демаган эдик», дея хотирлайди, Аллоҳ уни раҳмат қилсин!

Аллоҳга бўлган даъватда биз нақадар бу каби ишларга эҳтиёжлимиз!

Азизлар! Инсон гўзал хулқи билан ҳам исломга даъват қилиши мумкин. Индонезия, Малайзия каби давлатларни Ислом қўшинлари фатҳ қилмаган. Бу жойларни мусулмон савдогарлар ўз ахлоқи билан, ростгўйлиги, ваъдада тура олиши ва хиёнат қилмаслиги билан фатҳ қилган.

Тўғри, биздан барча инсонларга гўзал хулқда бўлишимиз талаб қилинган. Аммо энг аввало бунга яқинларимиз ҳақдордирлар. Айниқса, оиламиз, ака-укаларимиз, қариндошларимиз, қўшниларимиз, мактаб-мадрасадаги

тенгдошларимиз, ҳамкасбларимиз, мижозларимиз, уйларида ётган беморларимиз, ширкатимиздаги ишчиларимиз бунга ҳақдор.

Жаннат биз ўйлаганчалик узоқ эмас. У жуда яқин. Инсонларга Ислом ҳуқуқи билан муомалада бўлар эканмиз, жаннат бизга бир қадам!

Абдулқодир Полвонов